ЁШЛАРДА ИҚТИСОДИЙ МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ УЙҒУНЛИГИ

А.Маманазаров

Мақолада таълим тизимида меҳр-оқибат, саховату олижаноблик тарбиясига иқтисодий маданиятнинг муҳим бир узви сифатида қараш, иқтисодий маданиятни шакллантириш ишларини маънавий-ахлоқий тарбия билан бақамти олиб бориш зарурати илмий асосланган.

***Калит сўзлар**: саховат, меҳр-оқибат, кексаларни эъзозлаш, иқтисодий маданият.*

В статье обоснована необходимость рассмотрения воспитания благотворительности как неотъемлемой части формирования экономической культуры, что подразумевает их осуществление как единый процесс.

***Ключевые слова**: благотворительность, любовь к ближнему, уважение к старшим, экономическая культура.*

The author tries to draw the reader's attention to the necessity of dealing the education system as a matter of mercifulness and charitableness which serves as an important component of formation of economic culture and their realization as a unique process.

***Key words**: charity, love to the surroundings, respect to the adults, economic culture.*

Президентимиз И.Каримов ёшларнинг мамлакатимиз ҳаётидаги ўрни ҳақида гапирар экан, «... албатта, ҳозирги кунда тараққиёт йўлидан изчил ривожланиб боришимизда, эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқаришда ҳал қилувчи роль ўйнайдиган муҳим бир мезон борки, у ҳам бўлса, инсон капитали, яъни инсон омили, замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаган, мамлакатимиз истиқ-

боли учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган, ҳаётга дадил қадамлар билан кириб келаётган ёшларимиздир», дея таъкидлаган [1]. Зеро, мамлакатимиз келажаги айнан шундай замонавий йигит-қизларга боғлиқдир. Шунинг учун жамиятимиз ёшларнинг ҳар томонлама сифатли билим ва кўникмаларга эга бўлишидан манфаатдордир.

Кекса авлодни эъзозлаш ва уларга ғамхўрлик қилиш бизнинг миллий менталитетимизга хос хусусиятдир. Бу фазилатлар асрлар оша шаклланган ва ривожланган. Бу олийжаноб фазилатларни сақлаб қолиш, ривожлантириш ва келажак авлодга етказиш йўлида барча чора-тадбирларни қўллаш зарур бўлади. Чунки, сир эмас, Ғарб мамлакатлари тажрибаси кўрсатишича, товар-пул муносабатлари тарихий анъаналарни емириб, ҳаётга моддий нуқтаи назардан ёндашиш муносабатларини устувор қилиб қўйиш хавфи бор.

Пул, бойлик бор жойда меҳр-оқибатни ҳам сақлаб қолиш зарурати туғилади. Шу мақсадда мамлакатимизда ёшлар сиёсатини амалга оширишда ёшларни юксак маънавиятли қилиб тарбиялашга катта эътибор қаратилмоқда. Бу, албатта, бизнинг “ўзбек модели”мизнинг муҳим жиҳатларидан биридир. Бошқа моделларда маънавият масаласига биздагидек эътибор кузатилмайди.

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълими тизими мамлакат фаровонлигини таъминлаш учун ягона ва самарали восита сифатида миллий иқтисодиётимиз рақобатбардошлигини оширишда муҳим ўрин тутади. Иқтисодий билим талабаларнинг жамиятда эгаллаган ўрнини англаш, маънавиятини юксалтириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш имконини беради. Иқтисодий билим талаба-ёшларда иқтисодий таълим жараёнида эришиладиган меҳнатсеварлик, масъулият, тежамкорлик, ишбилармонлик, мустақиллик каби шахсий фазилатларни шакллантириш билан чамбарчас боғлиқдир. Шундай экан, *иқтисодий билим* – бу нафақат иқтисодиёт фанининг асосий қонун-қоидалари, тизимлаштирилган иқтисодий билим ва кўникмаларни ўзлаштириш, балки уларни ҳаётда қўллаш қобилияти демакдир. Талабаларни иқтисодий жиҳатдан тарбиялаш эса уларга хўжалик фаолияти ва иқтисодиётнинг инсон ҳаётида тутган ўрни ҳақида тасаввурга эга бўлиши имконини беради.

Таъкидлаш жоизки, билимларни амалда намойиш этиш жараёнида талабаларни нуроний ёшга етганда ўз фаровонлигини таъминлаш учун зарур маблағни тўплашга ўргатиш ҳам муҳимдир.

Масалан, иқтисодий маданиятнинг бир йўналиши деб қаралаётган *пул жамғариш маданиятини шакллантириш. Бу эса, ўз навбатида, қуйидагиларни англатади:*

• биринчидан, келажак учун жамғариш зарурлигини;

• иккинчидан, жамғарилган маблағдан ўзи, оиласи ва жамиятга фойда келтирадиган тарзда фойдаланишни;

• учинчидан, ғайриқонуний жамғариш усулларига салбий муносабатда бўлишни.

Демак, ўқув жараёнида талабаларга даромад олаётган ҳар бир оила келажакда ўз оиласида юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарни камайтириш ёки олдини олиш, шунингдек, кутилмаган ҳолатлар учун пул жамғармасига эга бўлиш лозимлиги ҳақидаги ғояни сингдириш зарур. Одатда, пул келажакда қимматбаҳо товар ва хизматларни харид қилиш (масалан, квартира, машина, дала ҳовли, мебель ва шахсий буюмлар), турли тантана ва маросимларни ўтказиш (тўй, юбилей, дафн маросими), ўз мамлакатида ёки чет элда таълим олиш, мерос қолдириш ва бошқа мақсадлар учун жамғарилади.

Ушбу мақсадларда жамғарилган маблағдан оқилона фойдаланиб, уни муайян бир иш учун сарфлашга эришиш мумкин.

Бундан ташқари, талабалар эътиборини ҳеч қандай камчиликларсиз яшаётган ҳар қандай инсон ҳаёти уч даврга бўлинишига қаратиш зарур:

• биринчи давр, 25-45 ёш – ишлаб топилган даромадлар тўхтовсиз истеъмол қилинадиган янги товарлар, айниқса, замонавий товарлар харид қилишга сарфланади. Даромадларнинг бир қисмини келажак учун жамғариб бориш эса суст кечади;

• иккинчи давр, 45-60 ёш – истеъмол қилинадиган товарлар учун маблағ сарфлаш камайиб, пул жамғариш фаоллашади;

• учинчи давр, 60 ва ундан катта ёш – пул жамғариш тўхтайди, аввал тўпланган маблағлар эҳтиёжлар учун сарфланади.

Бу жиҳатлар талабаларга келажакда маблағ жамғариш ва ундан ўз эҳтиёжлари учун оқилона фойдаланишни ўргатиши билан муҳимдир. Истеъмол салоҳияти – бу маблағ жамғариш учун қанча вақт керак бўлиши мумкинлигини англатадиган вақт эканини ҳар бир талаба онгига сингдириш зарур. Бу яна шунинг учун муҳимки, талаба жамғарилган маблағлар кутилмаганда ишсизлик юзага келган ҳолатларда қанчалик зарур бўлишини билиши лозим.

Шундай экан, талабаларда иқтисодий маданиятни шакллантириш жараёнини такомиллаштириш зарур:

• биринчидан, маданиятнинг иқтисодий аҳамиятига эътибор қаратган ҳолда, уни фанлараро категория сифатида моҳият ва таркибий жиҳатдан белгилаш;

• иккинчидан, “Иқтисодий назария” курсини *иқтисодий маданиятни* ифода этадиган материаллар билан бойитиш;

• учинчидан, *“Шахсий истеъмол ва жамғарма маданияти асослари”* факультатив курсини жорий этиш;

• тўртинчидан, барча олий таълим муассасаларида талабаларнинг иқтисодий маданиятини шакллантириш мақсадида замонавий технологиялар ва интерфаол таълим услубларини жорий қилиш ва мавжудларини такомиллаштириш зарур [2].

Мазкур тавсиялар талабаларнинг иқтисодий маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш имконини бериш баробарида уларнинг келажакдаги ҳаётига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Зеро, ёшлар кексалик даври ҳақида ҳозирданоқ қайғуриши лозим. Аниқроқ айтадиган бўлсак, нафақат ўз келажаги ҳақида ўйлаши, балки бугунги кунда нуроний ёшдаги инсонларни ҳурмат қилиши, эъзозлаши ва уларга ғамхўрлик кўрсатишни билишлари ҳам зарур.

Ёшлар онгига меҳр-мурувват кўрсатиш, саҳоватли бўлиш каби фазилатларни сингдириш ва уларда кўникма ҳосил қилиш ҳам зарур, деб ҳисоблаймиз.

Иқтисодий маданиятнинг муҳим жиҳатларидан бири – саховатли бўлишдир. Саховатли бўлиш умуминсоний қадриятларга хос бўлиб, иқтисодий эгоизмдан чекиниш ва муҳтожларга ёрдам қўлини чўзиш, меҳр-мурувват кўрсатиш демакдир.

Шу ўринда ёшларнинг онгига саховатли бўлиш, умумий қадриятларга олижаноблик каби фазилатларни сингдириш мақсадида М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиали талабалари ва профессор-ўқитувчилари томонидан *Республика меҳнат ва уруш фахрийлари пансионатида* 2015 йил 1-5 май кунлари хайрия акцияси ўтказилди. Унда талабаларимиз томонидан:

- пансионат ҳудудида шанбалик ташкил қилиниб, гуллар экилди;

- пансионат кутубхонасига 100 га яқин номдаги китоблар совға қилинди;

- биринчи бор пансионатда яшовчи кекса авлод билан университетимиз талаба-ёшлари ўртасида шахмат ва шашка бўйича спорт мусобақаси ўтказилди;

- психология факультети талабалари 5 кун давомида 125 нафар пансионатда яшовчи қарияларга психологик маслаҳатлар кўрсатишиб, уларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди;

- талаба-ёшлар томонидан тайёрланган концерт дастури намойиш қилиниб, қариялар билан бирга куйлашди, бирга рақсга тушишди;

- концерт жараёнида ғолибларга қимматбаҳо совғалар ва дипломлар топширилди;

- кексалар байрам оши билан сийланди ва бир дастурхон атрофида кекса авлод билан ёш авлоднинг қизиқарли суҳбати уюштирилди.

Бу эса, ўз навбатида, нуроний отахону онахонларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, оила ва жамиятда кексалар ролини мустаҳкамлаш имконини беради.

Шунга ўхшаш хайрия тадбирларининг мунтазам ташкил этиб борилиши, бундай жараёнларда ёшларнинг бевосита иштироки, саховат ишларининг асосий йўналишлари ва манбалари ҳақида маълумотлар бериб борилиши, шубҳасиз, ижобий самара беради. Саховатни талабалар *инсоний бурч* сифатида қабул қилишлари лозим. Бунинг учун ўқув жараёнида хомийларнинг савобли ишлари ҳақида маълумотлар бериш фойдадан холи бўлмайди.

Хулоса қилиб айтганда, ёшлар иқтисодий жиҳатдан билимли бўлибгина ҳалол ва самарали меҳнати билан кекса авлод вакилларини эъзозлаш, ҳурмат қилиш, уларга ғамхўрлик кўрсатишдек хайрли ва савобли ишни амалга оширишга қобил бўлишларини англашлари лозим. Бунга эса меҳр-оқибат, саховату олижаноблик тарбиясига иқтисодий маданиятнинг муҳим бир узви сифатида қараб, иқтисодий маданиятни шакллантириш ишларини маънавий-ахлоқий тарбия билан бақамти олиб бориш орқали эришилади.

Адабиётлар:

1. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // Халқ сўзи.- 2010.- 7 декабрь.

2. Материалы научно-практической конференции «Наука, образование и производство в обеспечении устойчивого развития инновационной экономики». – Т., Филиал МГУ имени М.В.Ломоносова в городе Ташкенте, 2014.– Часть. 1-12. Стр. 4-16.

3. Ёш авлодни миллий қадриятларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, кекса авлодни ҳурмат қилиш ва эъзозлаш руҳида тарбиялашда таълим тизимининг ўрни” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари.- Т., 2015.- Б.92-94 б.

МДУ Тошкент филиали,
2015 йил 22 декабрда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. М.Ортиқова)